

**АБДУЛЛА ШОНОСИР**

# **ОЙ МЎРАЛАР УЯЛИБ**

**Тошкент  
«Ёзувчи» нашриёти**

Абдулла Шоносировнинг касби — шифокор. Шу босдан бўлса керак, унинг шеърларида инсон руҳиятига малҳам бўладиган ҳарорат бор. Бу ҳарорат унинг содда, меҳри сатрларида сезилиб туради. Муаллиф қадимги ҳикматгўй боболаримизнинг анъаналарини мароқ билан давом эттироқда, яъни ҳам касби билан, ҳам сўзи билан саломатлик, маънавий баркамоллик йўлида хизмат қилмоқда. Шифокор ёзган шеърларни ўқинг — улар меҳр ҳақида, муҳаббат ҳақида, инсонийлик ҳақида, Ватан ва эл-юрт ягоналиги ҳақида қалбнинг ҳароратга йўғилган изҳорларидир.

Ушбу китоб Тошкент Матбаа комбинати ҳомийлигига чоп этилди.

ISBN 5-8255-0582-7

Ш 4702620202—7  
М 362(04)—99 — қатъий буюртма, 1999 й.

© Шоносир Абдулла,  
«Ёзувчи» нашриёти. 1999 йил.

## ШЕЪР ИШҚИ

*Үйқу жой танламас, мұхаббат чирој, деганиларидек, шеър ишқи ҳам шу қадар күчли жозыбага эга эканки, рұпари келгап ҳар қандай кишини ўз дөмігә тортаверар экан. Мана, таниқли шифокор Абдулла Шопосир ҳам бир неча ғиллардан бүён шеър дардига гирифтор бұлып қолди. Бу әзгу дард. Умуман, шеър ёзмагандан күра, ёзган ҳам яхши. Абдулла аканинг ҳаёттій тажрибалари жуда ҳам мұл.*

*Абдулла Шопосир, күпни күрган инсон, шифокор сиғатида ҳам күпчиликнинг дуосини олиб улгурған.*

*Абдулла ака вақтли матбуотда әйлон қилинған күпгина шеърларини тұплаб китоб ҳолига келтирибдишар, үқиб күршиг, шифокор шоирнинг әзгу түйігүларидан баҳрамандык түярсиз деган умидимиз бор.*

*Абдулла ОРИНОВ,  
Ўзбекистон Ҳалқ шоири,  
Ўзбекистон Қаҳрамони.*

## ЮЛДУЗСАН ПОРЛОҚ

Гупиради томримда қоним,  
Иболи бир боққанингда, ёр.  
Сенинг бирла порлоқ иқболим,  
Ёнимда бўл қилмай интизор.

Мен учун сен юлдузсан порлоқ,  
Маст бўламан ишқинг нуридан.  
Бахтиёр этай десанг ҳар чоқ  
Жой олгил сен қалбим тўридан.

Гулғунчадек лаблар болини  
Тотурманми бир куни, билмам.  
Гўзал ёрим қора холини  
Софинаман кўрмасам бир дам.

Белинг узра қирқта кокилинг  
Хуш кўраман бир-бир санашни.  
Куйласанг сен таърифлаб ишқинг.  
Бас қилади булбул сайрашни.

Эй Абдулло, хурсанд бўл умрбод  
Топганингдан баҳт-иқболингни.  
Сенга насиб этмиш паризот  
Күёшдай ёритиб йўлингни.

## **ЯШАЙВЕР-ЯШНАЙВЕР, ҲУР ЎЗБЕКИСТОН**

Яшайвер-яшнайвер, ҳур Ўзбекистон,  
Азиз халқимга сен бўл жанинатмакон,  
Озодлик барчага яратмиш имкон,  
Ўқишига, ишлашга, яшашга шодон.

Аммо ўтмишга мен ташласам назар.  
Юрагим орқага тортиб кетади: —  
Юз эллик йиллик қуллик азобига,  
Билмадим, оталар қандоқ чидади?

Худога минг шукр, ўтди у йиллар,  
Истиқтол туфайли келди ҳур замон.  
Озодлик қадрини яхши биламиш,  
Қайтмасин у кунлар энди ҳеч қачон.

Юртбошим бошлаган порлоқ йўл ила  
Олга қадам ташлар халқим мардона.  
Орқага йўл йўқдир, олға бос, олға,  
Ўтсин десанг ҳаёт мудом шоҳона.

Озодсан, эркинсан, минг йиллар яша,  
Олға бос, юксалсан қудратинг яна.  
Дунёга таралсан кўп юртлар оша,  
Довруғинг, шуҳратинг бўлиб афсона.

Балодан сақлагай ул қодир Худо  
Меҳнаткаш халқимни, азиз юртимни.  
Мен шул эл фарзанди, исмим Абдулло,  
Мақсадим — роҳатда кўриш элимни.

## **СЕНСАН АЗИЗ ВАТАНИМ**

Баланд тоғлари оппоқ қорли,  
Яйловлари учқур тулпорли,  
Йигит-қизлари ботир, орли,  
Сенсан азиз, гўзал Ватаним!

Тупроғинг олтин-қумушга кон.  
Боғларинг жанинатмакон.  
Тарихда номининг — буюк Турон,  
Бетакрорсан, азиз Ватаним!

Не-не улуғ зотлар Ватани.  
Темур бобом севгани маскани,  
Шоирлар севиб куйлагани —  
Ўзингдирсан, азиз Ватаним!

Кўл, дарёларинг суви зилол  
Халқинг меҳнаткаш, ҳалол.  
Келди орзу қилган истиқдол,  
Озод, хурсан, азиз Ватаним!

Ҳурлик йўлинг нурафшон бўлсин.  
Давранг мудом дўстларга тўлсин.  
Умринг минг йиллар юзини кўрсин.  
Тилагим шу, азиз Ватаним!



## **ЎЗБЕКИСТОН САХОВАТПЕШАЛАРНИНГ ВАТАНИ**

Ўзбекистон озод, меҳнаткаш эл ватани,  
Ҳар инсон топгайдур бунда обрў-эътибор,  
Турлича бўлса ҳам дини, миллати, тани  
Бу ўлкада осойишта, яшар баҳтиёр.

Ғам юкидин ҳеч кимнинг букилмас бели,  
Инсон борки четда қолмас меҳру шафқатдан,  
Ғамхўр, мангу паноҳ бўлиб меҳнаткаш эли,  
Дариг тутмагай ҳеч ким ўз мурувватидан.

Ватанимда барча бир тану бир жон бўлиб,  
Бир-биридан аямас ҳеч ўз ҳимматини,  
Меҳру-шафқат тошқин дарё каби мавжланиб,  
Яна ҳам оширмиш инсонлар қимматини.

Ўзбек элим саховатпешаларнинг макони,  
Етим-есир бошин силаш одатдир бунда,  
Ҳар кимсанинг агар андак бўлса имкони.  
Ёрдам қўлин чўзар, муҳтоҗлик кўрса кимда.

Бағри кенг, меҳнаткаш халқим, сендан ўргилай,  
Сақла одамийликка тўла урф-одатингни,  
Қадрига ет ҳар инсоннинг, шунда оширгай  
Яратганинг ўзи баҳту-саодатингни.

## МЕХРИБОН ХАЛҚИМ

Қадим-қадимдан она халқим  
Пешонасин силаган етим-есирни.  
Шунинг-чунмикан айтишар балким  
Ўта меҳрибон деб ўзбек халқини.

Ҳар қадамда меҳру-мурувват  
Етим, бева, бечораларга.  
Кўрсатилур мудом саховат  
Ногирону муҳтоjlарга.

Юртимда ҳеч топмагай озор  
Юраги пок кишилар абад.  
Бунда ҳеч ким йигламас зор-зор.  
Халқ меҳридан бўлиб баҳраманд.

Меҳрибону меҳнаткаш халқим,  
Барҳаёт бўл, минг йиллар оша.  
Таити, арслонқалб ҳар ўғлонинг,  
Бўлиб ўссин саховатпеша.

Эй Абдулло, сен ҳам шу элнинг  
Бир фарзанди эрурсан, фаҳрлан.  
Бошин сила етим-есирнинг,  
Халқинг сингари, меҳринг билан!

## **МУҚАДДАСДИР ҲАТТО ТУПРОФИНГ**

Мен учун муқаддасдур чўлинг ҳам, кўлинг ҳам  
Муқаддасдур йўлда ётган ҳар бир оддий тош,  
Фаровонсан, бетакрорсан, она-Ватаним,  
Юксаксан, нурлисан ўзинг мисоли Қуёш.

Сенга бўлган муҳаббатим, азиз Ватаним.  
Она алласи-ла кирган мурғак қалбимга.  
Киндиқ қоним тўкилган шу ерга сифингум  
Бир умр сифингандек Маккаю Мадинаага.

Қайга бормай соғинаман, ўртанар юрак.  
Яшай олмайман бир зум ўзга юртларда.  
Тополмадим ғамхўрни ўзингдин бўлак,  
Ишонгил, меҳрибон халқим, ўзга элларда.

Олтинга тенг тупроғингдан соглан туморим  
Қайларга бормай, тушмагай бўйнимдин зинҳор.  
Ватаним, соғиниб ошганида хуморим  
Кўзларимга суртаман мен туморим минг бор.

Она юртим, муқаддассан барчага бирдек.  
Ўн саккиз минг олам аро якка-ягона.  
Бебаҳодир оддий тошинг — гавҳару, дурдек  
Эъзозлагум Сени бир умр бўлиб парвона.

## **ЯШАЙ ДЕСАНГ ШОҲОНА**

Яшай десанг шоҳона,  
Ўз азиз Ватанингда.  
Меҳнат қилгил мардона,  
То қувват бор танингда.

Жўшиб гайратинг сенинг,  
Чўлни обод айлагил.  
Ошир Ватан равнақин  
Элларга достон айлагил.

Қадрига етгил мудом  
Халқинг урғу-одатин.  
Илм чўққиларин кўзла  
Ўйлаб юртинг саодатин.

Сақла дўстликни ҳар дам.  
Бирликдадир қуч ҳаргиз.  
Дўстлик бўлса мустаҳкам  
Юксалгай қудратимиз.

Кўллаб авлодлар руҳи.  
Тинчлик бўлтур барқарор.  
Ошиб Ватаним шукуҳи.  
Яшнагай она диёр.

## ОНАЖОНИМНИ ЭСЛАБ

Таваллуд кунингиз бўлгани-чун номаълум,  
Йигиламиз ҳаммамиз Сиз ўтган кунингиз.  
Эслаб порлоқ хотирангиз, йиғлашиб юм-юм,  
Ёдга оламиз Сизнинг айтган ҳар бир сўзингиз.

Аммо, ёшлиқ қилибман, етмабман қадрингизга.  
Ўйлабман Сиз шундайсизу, шундай қоласиз.  
Энди зорман мен оддий босган изингизга.  
Ҳар куни хаёлимни минг бор чулғаб оласиз.

Эсимда, хуш кўрадингиз турфа гулларни.  
Эрта баҳор экардингиз бериб меҳрингиз.  
Майин шаббода аста тебратиб уларни.  
Таратса гул исин, ёришарди чеҳрангиз.

Фақат Сиз пиширган таом эди мазали.  
Мен учун ёшлиқдан ҳардам, ҳамиша сўзсиз.  
Нон ёпган кунингиз ширин қилиб, жizzали.  
Эркаланиб ўпардим мен қадоқ қўлингиз.

Бошқалардай оддий аёл эдингиз, бироқ  
Кўкрагингиз тоғдай эди қўйсам бошимни.  
Кўлларингиз туюларди паҳтадай юмшоқ  
Аста артиб қўяркансиз кўзла ёшимни.

Гўдак эдим, қолиб кетар эдим кўчада.  
Сиз кўпинча деразада ўй сурардингиз.  
Илҳақ қушдай мен келгунча ҳар кечада.  
Шўх, ўйинқароқ ўғлингизни кутардингиз.

Олар эди дардим қафтиңгиз ҳарорати  
Күйганингизда ҳар дам бошимга қўлингиз.  
Йўқ эди мен учун бу дунё ҳаловати  
Гар сезмасам ёнимда сизнинг борлигингиз.

Аммо, наилайки, оғир хасталик бегумон  
Емириб бормоқда эди соғлигингизни.  
Сиз эса аксинча, овутиб бизни ҳамон,  
Гўё соғломдек тутардингиз ўзингизни.

Бирин-кетин кетмоқ бўлса ҳамки табиий,  
Сизни қўмсаб кўп йигладим боғда мен, она.  
Бўлсан ҳамки бу дунёнинг ҳаким, табиби  
Бир дардингиз ололмадим, доғда мен, она.

Лекин, мени фақат ҳамдард бўлолдим холос,  
Узоқ туилар оҳингиздан чиққанида дардлар.  
Вужуд, танам сезмаса-да оғриқ-қийноқни,  
Истиробининг чангалида эдим муқаррар.

Мен учун Сиз.ҳамиша азизу мұкаррам  
Бўлиб қолурсиз токи тирикман, Онажон!  
Пок руҳингиз менга бўлиб раҳнамо ҳар дам  
Бошим узра муқаддас соябондир ҳар он.

Дунёда йўқ ва бўлмаган Сиздайин улуг  
Менинг-чун пиру мұқаддас, жоним Онажон.  
Коронги гўрингиз мудом бўлсин деб ёруғ  
Қўлларим дуодадур ҳамиша, ҳарқачон.

## ЎЗБЕК ЙИГИТИ

Қалбида жўш урар ҳур Ватан туйғуси,  
Елкада мудом элу юрт қайғуси.  
Оила ҳаловати унинг орзуси,  
Ғамхўр, олийжанобдир ўзбек йигити.

Меҳмонларга очиқдир эшигиги ҳардам.  
Дастурхони муентазир дўстларга бекам.  
Меҳмондан аямас молу-дунёсин ҳам  
Тенги йўқ меҳмондўстдир ўзбек йигити.

Кўли очиқ, сахийликда чиқарган ном,  
Миниб турган отин ҳам қилади инъом.  
Кўнглида сахийлигу, яхшилик мудом,  
Бегаразу, сахийдир ўзбек йигити.

Фарзандларига бағишлар ҳар онини,  
Алардин аямас ҳеч, ҳатто жонини.  
Боламга дер охирги бурда нонини.  
Меҳрибон падар эрур ўзбек йигити.

Ота-она, устозлар берган ўгитин  
Эъзозлаб бир умр сақлар тўрида қалбин,  
Роҳат-фароғатда кўриш элу-юртиш  
Орзусида яшайди ўзбек йигити.

Тоғни урса агар у, қилади талқон,  
Ватан учун кўксини айлайди қалқон,  
Ҳар ишга бош қўшса топади имкон,  
Ватанпарвар, тадбиркөр ўзбек йигити.

Бир бора муҳаббатин қиласи изҳор.  
Учратса тенгини, бўлгудек гўзал ёр.  
Авайлаб севгисини, бўлиб вафодор.  
Садоқатда яшайди ўзбек йигити.

Хиёнат қилмайди у севган ёрига  
Содик қолур ҳаттоки қўлда торига,  
Қолмайин деб ёрининг оху-зорига,  
Муҳаббатин асрайди ўзбек йигити.

Дўстига меҳру садоқатда ягона,  
Қалбакилик унга ётдир — бегона,  
Дўсти-чун ўту сувга кирап мардона  
Қиёматли чин дўстдир ўзбек йигити.

Йигитлар бисёрдир ёруғ дунёда,  
Ўқтам, ботир, бир-бирларидан зиёда.  
Барча бу хислатларни қилиб ифода  
Мардонавор яшайди ўзбек йигити.

## ФОЗИЛ ИНСОН БҮЛ

Не иш қилдинг элинг равнақи учун,  
Бахту иқбол бердингму сен оиласнгга?  
Нечун сени эл-оиласнг ҳурмат қилсун,  
Тикмасанг ширин жонни она-Ватанга?

Ўйласанг сен факат шахсий манфаатинг.  
Бойлик учун урсанг ўзингни ҳарёна.  
Кечарлар сендин дўсту ёр, улфатинг.  
Бўлолмасанг аларга сен парвона.

Узоқ бўлса агар кўзлаган манзил,  
Гар юкинг оғир бўлса зилу замбил,  
Бирорга ёрдам қўлинг чўзмаган бўлсанг,  
Ўзгалар ёрдамин сен ҳам кутмагил.

Магар сен бўлмасанг ёзишга қодир  
Шеъру ҳикоянинг ҳатто бир қаториг.  
Танқид қилма адабни, бу нодонлиkdir.  
Битилган асари-чун берса қалб қўрин.

Қолмаса агар сендан сўнг bogу роғ,  
Ёки фарзандларга бир макон-иморат.  
Қай хислатинг эслашсун, ҳеч бир жабҳада  
Бўлолмаган бўлсанг аларга ибрат.

Эй дуст, бўлай десанг ҳурмат-иззатда.  
Мехру оқибат кўрсат ёру дўстларга,  
Кетар бўлсанг бу фоний дунёдан агар,  
Фозил инсон эди деб олсинлар ёдга.

مان دست از ازان ها کشی  
که کارشان نمیگان میشه بود  
برداشت نمیشه راهی شد  
خیزد و بوزنید و خشید



## ОНА ҚИШЛОГИМ

Боғларинг сўлим, кўркам чунон,  
Бетакрор қишилогим Қўшқўргон.  
Ҳар сафар мен топганда имкон  
Интиламан фақат сен томон.

Сайр қилганда дала-қирингга  
Ёдга тушар болалик йиллар.  
Яланг оёқ ҳар сўқмоғингдан  
Мисиг завқ ила юргурган онлар.

Суви зилол булоқларингдан  
Тўйиб-тўйиб ичганимда сув,  
Асар қолмай чанқоқларимдан  
Дил яйрас қучгандаин бир сулув.

Зериктирганда мени ҳар дам  
Тинмас шаҳар шовқин-сурони.  
Чорлар ўзига сўлим, кўркам  
Қишлоғимнинг bogу-равони.

Қўллари қадоқ деҳқонларинг  
Сухбатидан оламан илҳом.  
Шўх қизларингу жувонларинг  
Ёр-ёридин топгайман ором.

Узоқ-узоқлардан тонг саҳар  
Эшитилса найнинг садоси,  
Жўр бўлишар анга ҳар сафар  
Булбулларнинг шўх-шўх навоси.

Меҳнатдан толмас йигитларинг  
Тоғ-тоғ қилиб уюшар хирмон.  
Сават тўлдириб момоларинг  
Ёлишар меҳр-ла ширмой ион.

Она қишлоқ, бободеҳқоним,  
Сенга омад тилтайман мудом,  
Сен-ла тўқинидир дастурхоним,  
Сен бирла обод хонумоним.

## МЕНИНГ БОҒИМ

Тонг саҳарда агар чиқсан даламга.  
Дурдек шабнам ювар ҳарчанд юзимни.  
Кўрк-чирий бўлгудек бутун оламга  
Гуллаб боғим, қувонтирас кўзимни.

Бир томонда бодом, ўрик ва гилос,  
Улар қаршисида қатор шафтоли.  
Шоҳлари кўришимай гуллабди қийғос  
Ариқ лабидаги икки ғайноли.

Мўъжазгина, кўркам бу ажиб боғим  
Чексиз ором берур баҳри дилимга.  
Гуллаб турган боғимниң бир бутогин  
Алишмам ҳаттоқи «Боғи Эрамга».

Чунки бу боғим, орзуйим, меҳнатим  
Маҳсули эрур, менинг-чун бебаҳо.  
Фақат сабр, меҳнати туфайли ҳар ким  
Яратур ўз «Боғи Эрамин» ташо.

## **АНХОР БҮЙИ**

Соя-салқин анхор бүйи  
Эслатадир чорбогимни.  
Сокин оққан анхор суви  
Олиб кетар чарчогимни.

Сув бетида келар оқиб  
Бир даста гул қалқиб-қалқиб,  
Оқиздими уни ошиқ  
Гул баргига ишқин битиб.

Қатор-қатор фавворалар  
Күкка отар салқин сувин.  
Атрофика турға гуллар  
Таратурлар нафис исин.

Анхор сувин құзгу қилиб  
Мажнунтоллар сочин тарар.  
Сон-саноқсиз кокилларин  
Майин шаббода әркалар.

Суви сокин, сұлым анхор  
Гувоҳ бўлдинг неча минг бор.  
Севишганлар эҳтирос-ла  
Севгисин этгандай изҳор.

Қирғоғингда топур ором  
Шаҳрим халқи ва меҳмонлар.  
Ҳордиқ масканни бўл мудом.  
Барчамизга кўп замонлар.

## НА КЕРАК

Бўлмаса гар Бойчибор оти,  
Йўқ эрса тулпордай қаноти,  
Маълум эмас эрса зоти,  
Бундай бедов менга на керак?

Чўзмаса меҳрибон қўлин,  
Тўсмас экан ёвингни йўлин,  
Қилмаса бақувват дўст белин,  
Беқадр дўст сенга на керак?

Севгисига қилса хиёнат,  
Йўқ бўлса унда сабр-қаноат,  
Ёт бўлса унга меҳр-садоқат,  
Бевафо ёр кимга ҳам керак?

Ярамаса бирор кунингга,  
Маъракаю ёки тўйиннга,  
Омад келтирмаса ўйиннга,  
Бефойда давлат кимга керак?

Қўл очиб дуога, Абдулло.  
Яратганга қилгил илтижо.  
Берсанг дўсту, бедов ва давлат  
Содик бўлсинлар улар фақат.

## НЕЧУН ТАҚДИР УЧРАТДИ БИЗНИ

Нечун бизни, маликам, учратди тақдир,  
Пешонага ёзилганми бу сўзсиз?  
Ҳаётимиз ўтмоқда эди-ку, ахир  
Гўё сокин, гўзалдай, бир-бири мизиз.

Ҳа, яшаётган эдик-ку мен ҳам, сен ҳам  
Мамнун, рози бўлиб ўз ҳаётимиздан.  
Гўё севганимиз, севилганмиз чинакам,  
Борардик ҳар биримиз ўз йўли миздан.

Аммо севги-муҳаббат энди нелигин  
Сени учратиб, сўнгра билдим, паризод.  
Сенсиз ўтган умримнинг ҳар дақиқасин  
Қандай яшаган эканман, билмам, ҳайҳот.

Ҳайҳот, ўтди умрим менинг, энди қайтмас,  
Минг афсуски унинг бир дақиқаси ҳам.  
Найлай мен, оху-додим фалакка етмас,  
Дилим вайрон этса-да азоб, фифоним.

Барибир мени шоду-баҳтиёр этдинг,  
Шунисига ҳам сенга минг-минг ташаккур.  
Қўлинг солиб бўйним, оҳиста дединг:  
«Борлигингизга, жоним, минг бора шукур».

Бу сеҳрли сўзлар таассуротида илло  
Яшагумдир энди мудом қувончга тўлиб.  
Нолимай тақдиримдан мен энди ҳеч, асло,  
Боқди-ку дея баҳт қуши менга ҳам кулиб.

## КЕЛ ЁНИМГА

Сен келмасанг битмас юрак яраси,  
Ўзингдирсан ҳур қизларнинг сараси,  
Жоним олур соchlарнинг ҳар толаси,  
Кел ёнимга, ошиғингни зор этма.

Сен бўлмасанг балки ёнмасди юрак.  
Ишқ ўти отмасди қалбимда куртак,  
Сендай паризодни қучмасди билак,  
Кел ёнимга, ошиғингни хор этма.

Оширмайин дессанг фироқинг дардин,  
Қўндиrmайин дессанг ғам-алам гардин,  
Изтиробда қийнамай ошиғинг қалбин.  
Келгил, дунёни кўзима тор этма.

Истаганим, севганим, сенсан ўзинг,  
Мафтуниман порлаган шаҳло кўзинг.  
Муштоқиман бир оғиз ширин сўзинг,  
Кел, маликам, соғинч ўтин бор этма.

Билгил, сен бирла бир умр баҳтиёрман,  
Бир лаҳза кўрмасам дили гирёнман,  
Садоқату севгимга ошиёнман,  
Кел, севгилим, ўз ёрингдан ор этма.

Устун қўйма муҳаббатдин ҳавасни.  
Ҳавас деб қўнма қўлига бир касни,  
Етказиб ишқингга зиён-шикастни.  
Кел, жонгинам, ўзга ёрни ёр этма.

## ОШИҚЛАР ОРАСИНДА...

Жонгинам, не бўлди сенга,  
Уясан бодом қовогинг.  
Озор етдими дилингга,  
Ё жавобсизму сўроғинг?  
Боқмассан ҳеч кўзларимга  
Не бўлди, билмам, гуноҳим.  
Дардимни мен айтай кимга,  
Эшитгил дилдаги оҳим.  
Қилдимми хафа ногаҳон  
Билиб-бilmай мен ўшал кун?  
Кечир мени, кечир, жонон,  
Сендан кўпроқ ўзим дилхун.  
Киши кўнгли позик эрур,  
Сенга аён бу, маликам,  
Бир оғиз ширин сўз етур  
Эритиш учун тошни ҳам.  
Аммо, айт, нега сен ҳамон  
Очмассан ахир чиройинг?  
Қарамайсан ҳеч мен томон  
Ё булат тўёсиму ойинг?  
Табибим бўлиб сен ўзинг  
Давола кўнглим ярасин.  
Малҳам бўлиб ҳар бир сўзинг  
Топсин дилимнинг шифосин.  
Пок севгимиз ёнгай унда  
Ишқ йўлимизни ёритгай.  
Ишқ — ошиқтар орасинда  
Бизни мангу бор этгай.



## **СЕН КЕЛМАСАНГ**

Ҳажрингда күйдим, эй пари, келмайсанму?  
Ишқинг ўтида ёнганим сезмайсанму?  
Мен томон бир қайрилиб сен, боқмайсан ҳеч  
Айт-чи, мен севаман, ё сен сезмайсанму?

Изтиробим ошар бисёр, сен келмасанг.  
Кўзларда ёшим шашиқатор, сен келмасанг.  
Юракда ёнган ўтим гар сен билмасанг,  
Яашдан мақсад недур, гар сен келмасанг?

Кел ёнима, эй пари, қилмай интизор,  
Нурафшон этгил гариб қулбамни ҳарчанд,  
Фақат сен-ла ҳаётим бўлур баҳтиёр,  
Фақат сен-ла ҳамиша иқболим баланд.

Бир умр менга туганимас баҳт ато этгани  
Сенинг ширин сўзингу, шаҳло кўзингдир.  
Фироқ азобига чидашга сабр берган  
Сенинг оташ, мусаффо муҳаббатингдир.

Кел, маликам, ўксик кўнглимни айла шод,  
Баҳра олсин сухбатингдан чанқоқ дилим,  
Изларингдан гуллар унисин, бўлсин обод,  
Очилиб гулзоримда яна бир гулим.

## СЕНСИЗ ТАТИМАС БУ ДУНЁ РОҲАТИ

Қўнглим сенсиз мудом қоронғу тундай,  
Ёришмагай минг чироқ ёққанда ҳам.  
Қуёшдан чароғон бетакрор кундай,  
Фақат сен этурсан, кўнглимни ҳар дам.

Сенсиз татимас бу дунё роҳати,  
Лолазор ҳам сенсиз рангсиз, юпундир.  
Бир лаҳза кўрмасам, тугаб тоқати  
Юрагим азобда, қалбим маҳзундир.

Сочинг қўнгироги эрур шаршара,  
Бўйнима сол аларни, эй дилдора.  
Узма, ёрим, лабимдин лабинг зинҳор:  
Чиқмасун десанг жон бу тандин сира.

Қошу-кўзларинг ўхشاши йўқ асло,  
Бетакрордир фунча лабларинг боли.  
Чирою-латофатда ўзинг танҳо,  
Эрурсан мен учун пари мисоли.

## **ИЛТИЖО**

Висол чоги булбул қўниб гул шохига.  
Сайрар яна завқу-шавқ ила бетиним.  
Етган-ку десам ул гулнинг висолига,  
Куйлагайман дер энди: «Висол кўйларим».

Менам булбул каби куйлайману, бироқ  
Эрта-кеч фироқинг ўтида ёнаман,  
Битар-ку дея ахир бир куни фироқ,  
Тунлари бедор, азобда тўлгонаман.

Висол ошиқлар учун нақадар ширин,  
Ишқдан қанот боғлаб, қўкка учмаган ким?  
Ташламаса ёрим бир бора кўз қирип,  
Карбалонинг даштларида мажнун бўлгум.

Яратгандан сўрайман сабру-қаноат  
«Сабр таги олтин» дер-ку боболарим.  
Фироқингда тобланиб севги-садоқат.  
Сен томонга эсар кўнгил саболарим.

Умидим бор, бир кун баҳтим босиб илгари.  
Етказгайдир мени ёрим висолига.  
Гул ишқида куйлаган булбул сингари  
Куй бағишлай бир умр ёр иқболига.

## УЧРАТДИМ СЕНИ

Учратдим сени сўлим анҳор бўйида,  
Туар эдинг тўлин ой каби сочиб нур.  
Мен эса қаршингда лол, ишқинг қўйида,  
Боқардим чиройингдин қилибон ҳузур.

Моҳирлигин кўрсатмиш Она табиат  
Яратиша сендай маҳлиқ гўзални.  
Аямабдур сендин на кўрку латофат,  
На бекиёс, таърифсиз ҳусну-жамолни.

Ҳуснингга мафтун бўлиб туриб қолдим лол.  
Сеҳраб кўйдику мени ҳусну-жамолинг.  
Кўз узолмайман, қимирашга йўқ мажол,  
Ақлим олмиш камондек қоши ҳилолинг.

Нега ўйчан боқасан анҳор сувига,  
Кутдириб қўйдими ёр келмайин бу күн?  
Ё ўйнаб чиқдингму сен тақдир қўйига  
Кўриш учун пешонангга ёзилганин?

Мени ҳам ногаҳон бир сеҳрли куч  
Ихтиёrim олиб келтирмуш бу ёна.  
Балки келдикмикан тақдиримизга дуч  
Иккимиз ҳам билмайин ҳордиқ баҳона.

Шу бўлса агар тақдир, қиласай минг шукур.  
Яратганга мен ҳамду-санолар айтай.  
Борлиғим буткул багишлаб сенга бир умр  
Ишқу-муҳаббатимизни куйлаб ўтай.

## **ФИРОҚ ЎТИДА КҮЙДИРМА МЕНИ**

Фироқ ўтида күйдирмагил, жоним,  
Ўртама бу ошиқ юракни яна.  
Билгил, фақат сенсан менинг севганим,  
Бўлгум атрофингда мудом парвона.

Фақат илтимосим, рад этма мени,  
Ипон менга, жоним, бергил қўлингни.  
Тақдирдан ўргилай танлаган сени,  
Бахтиёр этгали мендай қулингни.

Ўнгимда ҳам, тушимда ҳам сен фақат  
Қалбим әгалладинг муҳаббатинг-ла  
Юрагимда орзу-умидлар қат-қат,  
Эришгум аларга фақат сен бирла.

Кел, азизам, барча ошиқлар бу күп  
Пок севгимиздан олсинлар андоза.  
Битмас муҳаббату садоқатимиз  
Бу етти оламга бўлсин овоза.

## ЎЗИНГ ЯГОНА

Ҳусну латофатда ўзингсан ягона,  
Шаҳло кўзларинг олур оромим менинг.  
Ишқинг ўтида куйиб, бўлдим девона.  
Сўрмадинг бир бора ҳеч аҳволим менинг.

Ипон сўзимга бу кун, гўзал маликам.  
Кўз ўнгимдан кетмас ҳеч нозик қоматинг.  
Кўрмадим мен бу дунёда сендан кўркам,  
Сендан ҳуснлироқ бирон-бир гўзалини.

Ярашади ўзингга бегубор қулгинги,  
Ноз ила оҳиста бир-бир юришиниг ҳам.  
Ром айлаб ўзига гўзал табассуминг,  
Вайрон этадўр менинг кўнглимни ҳар дам.

Лабларинг эслатур қизил гул гунчасин.  
Камондек қошларинг ўхаши йўқ зинҳор.  
Латофату гўзаллик барча-барчасин  
Бермиш табиат сенга қилиб бетакрор.

## **СИНОВДИР ФИРОҚ**

Үтди фироқда бешафқат неча күнлар,  
Ёр бўсасин, маликам, соғинмадингму?  
Бедорликда азоблар қоронғу туплар,  
Висол лаззатин, эй ёр, соғинмадингму?

Фироқ барча ошиқлар пешонасига  
Ёзилганмикан, билмам, азал-азалдан?  
Бош қўйиш висол қасри остонасига  
Шунчалар қийинму, сўрайин мен кимдан?

Билмам, ким жавоб айлар ошиқларга,  
Нечун тақдир бешафқат аларга гоҳо?  
Нечун вафодор Лайлию Мажнунларга,  
Насиб этадур ахир дашти Карбало?

Аммо, лекин аёнидир оддий ҳақиқат,  
Фироқ мудом синовдир севишганларга.  
Соғинчда тобланиб севги-муҳаббат  
Яна кучлироқ ёнур мисли аланга.



3—8084

33

## ОЙ МҮРАЛАР УЯЛИБ

Ҳусну латофатингга келолмай бас  
Тоғ ортидан ой мўралар уялиб,  
Ой юзингга қўёш ҳам қилиб ҳавас  
Кўқдан боқар буултларга суюлиб.

Яратганда сени она табиат  
Аямабдур ҳеч ҳусну жамолни.  
Худойимга қиласай илтижо минбад,  
Сўраб сенга битмас баҳту иқболни.

Гўзаллигинг, баҳтинг бўлиб омухта  
Бўлсинлар зийнати бутун умрингни.  
Ҳур-парилар мудом сенга гумашта  
Бўлиш-чун кутсинлар сенинг измингни.

Ҳуснингга боқиб тўймайин Абдулло  
Битмиш ушбу шеърин бу кун тонг саҳар.  
Чиқиб ич-ичимдин бир ажиб нидо  
Бир нидоким, фақат васлингни истар.

## ИШҚ ЎТИДА

Бормикан ишқ ўтида мен каби  
Бу кенг жаҳонда қуйган бешафқат?  
Телба бўлибон Мажнун сингари  
Ёр ишқида кезган сахрою-дашт.

Нечун бундай тузилган жаҳон,  
Чин ишқ эгаси мудом қийноқда.  
Ёр висолига топмайин имкон  
Ошиқ юраклар сарсон, фироқда.

Ошиқлар учун сиповми фироқ?  
Имтиҳонми у севишгапларга?  
Бас, шундай эса, бардош тилайин  
Барча ошиғу-маъшуқаларга.

Ёзилган бўлса гар пешонамга  
Мұхаббат азобин тортиш бир умр.  
Севгимдан яралган кошонамга  
Кирмас экан ёр, не қиласай, тақдир.

## АТЛАС КҮЙЛАКЛИ ҚИЗ

Кеча шаҳар боғида,  
Айни саҳар чоғида,  
Атлас күйлакли қизни  
Кўриб, қолдим доғида.  
Кўйлак устидан нимча,  
Беллари бунча хипча.  
Менга қараса пича,  
Севардим мен ўлгунча.  
Қарамаса ҳам майли,  
Мен томонга ул пари.  
Атлас кўйлагин кийиб  
Бўлсин қизлар сарвари.  
Ҳар бир босган изидан  
Гуллар унсин бетакрор.  
Атлас кўйлак рангидаш  
Олсин улар ранг, оҳор.  
Атлас қўшибди қизнинг  
Хуснига яна минг ҳусн.  
Уволига йигитларнинг  
Қолмасму атлас бу кун?  
Атлас кийинг, қизларжон,  
Бўйинга тақинг маржон.  
Йигитларни куйдириб  
Товланинг алвои-алвои.  
Гўзалликни, Абдулло,  
Куйла такрору такрор.  
Гўзалик бўлса илло  
Турмуш бўлур барқарор.

## НЕЛАРНИ ДЕР ОҲУ КЎЗЛАРИНГ

Неларни дер имо билан  
Оҳу кўзларинг?  
Кўрсатарму ишва билан  
Висол онларинг?

Жавоб айла, эй паризод,  
Недур истагинг?  
Ё қолайму мен умрбод  
Бўлиб бир қулинг?

Қолди юрак ўт ичида  
Ишқинг туфайли,  
Борми имкон бу дунёда  
Сенга етгали?

Айт-чи, жоним, мен не қилай  
Севгинг оқлаш-чун?  
Фақат сенга дилим ёзай,  
Шафқат қил бу кун.

Неларни дер имо билан  
Шаҳло кўзларинг?  
Жон озиги эрур менга  
Ширин сўзларинг.

## ШАББОДА

Тонгда эстган шаббода,  
Ёр зулфини тортқила.  
Унга интизорлигим  
Қулоғига шивирла.  
Қилди бугун гүзал ёр  
Висолига интизор.  
Учрашишга ошиқмас  
Ё мендин қиласму ор?  
Севасанму десам, у  
Севаман деганди-ку.  
Энди эса индамас,  
Юрагим ўртанди-ку.  
Ёрим, тезроқ келсанг-чи.  
Менинг ҳолим сўрсанг-чи.  
Севгинг рост бўлса агар,  
Ёнгинамда юрсанг-чи.  
Мен ўзим шер боламан,  
Сенла шодон бўламан.  
Ишқимни сен рад этма,  
Йўқса адо бўламан.  
Майин эстган шаббода  
Ёр сочини тортқила.  
Қулоғига сен аста  
Севишими шивирла.  
Абдулланг қолиб доғда  
Йиғлашин истамасанг  
Кетма ёнимдин йироқ,  
Гар мени чиндин севсанг.

## ГУЛШАНА

Гулзор аро Гулшана  
Келарди ёна-ёна.  
Таъзим айлар қадамига  
Атиргулу райҳона.

Қўлидаги гул дастаси  
Гўзалликда бетакрор.  
Қадам босар оҳиста  
Бермай гулига озор.

Гулдастами ёки у  
Гўзалликда ягона? —  
Бу жумбоқни счай деб  
Боқаман мени ҳайрана.

Гулларин ҳиллар гоҳо  
Бағрига босганича.  
Балки ёрга етай дер  
Очилгунча гул гунча.

Нечун, билмам, у танҳо  
Сайр этар бу дам ёлғиз?  
Ваъдага айлаб вафо  
Кутарму ёрин сўзсиз?

Халал бермангиз асло  
Бу гўзалга ушбу дам.  
Кутсин у севган ёрин  
Гул дастаси-ла кўркам.

## **УНУТМА ВАЪДАНГНИ**

Уйингга борган совчилар  
Негадир хомуш қайтишли.  
Ота-онанг жавобини  
Келиб менга айтишди.

Бош чайқашиб ота-онанг  
Дебдилар: «Кечиринг, аттанг,  
Бўлибсизларку овора  
Сўрамай биздан бир бора.

Қизимиз битирсии аввал  
Ўзи севган ўқишини.  
Эгаллаб касбин мукаммал.  
Тутсин бир ишнинг бошин.

Шундан сўнг қизим тақдирин  
Үйлаб кўрармиз албатта.  
Йигиб қариндошлар барни  
Ҳал қилурмиз маслаҳат-ла».

Онанг дебдилар: «Қизимиз  
Кўрингани билан бўйчанд,  
Ҳали ёш, розилик бермасмиз  
Совчилар бўлса-да тирбанд.»

Биламан бориб ҳаёга  
Билдирмабсан отангга.  
Аммо мени севишингни  
Нега айтмадинг онангга?

Үн саккизга тўлганингни  
Онангга ахир эслатгин.  
Менга кўнгил берганингни  
Айтгил сен онангга секин.

Жонгинам, мени куйдирма  
Кўндиргил ота-онангни.  
Эсингдан асло чиқарма  
Аҳду-паймону, ваъдангни.

Сабр-тоқат-ла мени кутамен  
Отанг розилик бергунча.  
Дунёдан якка ўтамен  
Бошқа бирорни севгунча.

## **СЕН БИРЛА**

Атлас кўйлагинг тортқилайди  
Рашким қўзғаб майин шаббода.  
Мушку-анбар иси тарқайди  
Сен ўтган жой, атроф ҳавода.

Белинг узра қирқта кокилинг  
Ҳар толаси эрур бебаҳо,  
Розидирман бўлишга қулинг  
Жой олсам мен қалбингдин танҳо.

Сен-ла ўтган ҳар бир дақиқам  
Ҳаётим энг баҳти дамлари дур.  
Мени шодон этиб чинакам  
Қалбим қувончларга тўлди рур.

Ёнгинамда юришинг, санам,  
Мен учун туганмас иқболдир.  
Сенинг бирла бу дунё кўркам  
Ҳур, беқиёс, жанинатмакондир.



## ЧИН ДҮСТ ШУНДАЙ БҮЛАДИ

Турса агар олдингда қатор муаммо,  
Тор кўринса кўзингга замину-само.  
Ғанимларинг бирлашиб бошласа низо.  
Фақат чин дўстинг киур жонингга аро.  
Билки ҳақиқий, чин дўст шундай бўлади:  
Йиғласанг йиғлайди у, кулсанг кулади.

Тұхмат балоси агар ёғса бошингга,  
Ниш урмоқчи бўлсалар сабр-бардошингга,  
Келмай қўйсалар ҳатто тўйда ошингга.  
Фақат чин дўстинг келур сенинг қошингга.  
Инон, ҳақиқий, жон дўст шундай бўлади:  
Йиғласанг йиғлайди у, кулсанг кулади.

Кетса қўлингдан амал, молу-давлатинг,  
Кутилмаган ғаму-дард букса қоматинг,  
Ғаламислар бузса ором-ҳаловатинг,  
Фақат чин дўстинг бўлур сенинг қувватинг.  
Чунки вафодор, чин дўст шундай бўлади:  
Йиғласанг йиғлайди у, кулсанг кулади.

Чин дўст талаб қылмайди бойлигу-амал,  
Меҳр-садоқатни қўяди бойликдан афзал,  
Турмушинг бўлса осойишта, ҳур, гўзал,  
Хурсанд бўлади чексиз, ўзингдин авват.  
Бегараз, меҳрли, чин дўст шундай бўлади:  
Йиғласанг йиғлайди у, кулсанг кулади.

Кетар бўлсанг бу фоний дунёдин агар.  
Ихтиёр этсанг ўзга юртларга сафар.

Оила тинч, фарзандлар бўлмас дарбадар,  
Чин дўст аларга бўлар сен каби падар.  
Ишонганинг, чин дўстинг шундай бўлади:  
Йигласанг йиғлайди у, кулсанг қулади.

Севган ёр ила мудом ҳаёт бахтиёр.  
Садоқатли дўст билан турмуш мазмундор.  
Қувонсанг ёринг-ла, дўстлар-ла қатор-қатор,  
Сендан бўлак бахтироқ дунёда ким бор?  
Йигитнинг севган ёри битта бўлади,  
Дўстларинг минг бўлса ҳам камлик қиласди.

Аё дўстлар, кўпайсин дўстларининг сони,  
Бутун бўлсин уларнинг тоза иймони.  
Ўзбек юрти бўлиб чин дўстлар макони.  
Дўстлар-ла ошаверсин шуҳрати-шони.  
Содик йигитнинг дўстлари кўп бўлади,  
Дўстларсиз у, муқаррар, руҳан ўлади.

## **ЧИН ДҮСТИНГ БҮЛСА – БАХТЛИСАН МИНГ БОР**

Беминнат қилгил мудом дүстинг хизматин,  
Баҳраманд бўлгил чин дўстлик лаззатидин.  
Кўзингга тўтиё айлагил сен бир умр  
Ҳақиқий, чин дўстинг босган ҳар бир изин.

Садоқатли дўст топмоқ эмасдир осон.  
Дўстлик риштасин сақлаш ундан ҳам қийин.  
Ҳақиқий, чин дўст топсанг агар бегумон  
Мехр, оқибат кўрсатгин сен ҳеч тинмайин.

Дўст-ла шодлик бутуну, яримдир қайғу,  
Чин дўст қилмас ҳеч нарсага муҳтожу-зор.  
Қалби тўрида асрар бир ажаб туйғу,  
Сенга меҳр-садоқатин қилиш-чун изҳор.

Чин дўсти бор инсон баҳтлидир чунон,  
Дўстига ишонар у ҳар ерда, ҳар он.  
Чин дўсти-ла бўлишиб ҳар ишда ҳамкор,  
Яшар у тақдиридин ўргилиб минг бор.

Ўзинг сақла мени, эй қодир Худо  
Номарду, нокас дўстларнинг даврасидан.  
Дўст ташлашда хато қилма, эй Абдулло,  
Чекмай десанг озор дўст меҳрсизлигидан.

.

## ДҮСТ-ЛА ШОДЛИК БУТУН

Кўксида асрайди бир ажиб туйғу.  
Мудом ёнингдадир соғинтирмайин у.  
Дўст-ла шодлик бутуну, яримдир қайғу  
Хиёнат кўчасига кирмайди чин дўст.

Бору-йўғингдин ҳар дам олади хабар,  
Ютуғингдин бўлур шодон, дилдан қувонар.  
Гўё ўзи қучгандай улкан, зўр зафар,  
Бахиллик кўчасидин юрмайди чин дўст.

Чин дўстинг бўлса бордир учар қанотинг,  
Омад пойгасида учқур оқсоқ отинг.  
Дўстинг-ла ҳосил ўлур мақсад-муродинг,  
Бесамарлик кўчасин босмайди чин дўст.

Дўст-ла улкан қудратга бўлурсан қодир,  
Мисоли Алпомишдай қўрқмас, баҳодир.  
Не-не юксак ишларни этурсан содир,  
Қўрқоқлик кўчасини билмайди чин дўст.

Менга ҳам чин дўст ато ёт, эй Худо.  
Ўтмасун умрим бу ёруғ дунё аро.  
Қояда ўсган якка дараҳтдай танҳо,  
Бевафолик кўчасин билмасин чин дўст.

## ТҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Ҳар кимнинг агар тоза эрур юраги  
Қидирмагай доим нуқсон бировлардан.  
Эзгулигу яхшилик бўлса чиндан тилаги  
Аямас ширин сўзу — ёрдамин ўзгалардан.

\* \* \*

Билмаган нарсанг қизиқдир ҳар дам,  
Нотаниш дарёнинг кўпдир ўпқони.  
Юрмаган йўлинг узоқдир бирам,  
Ўзга ўрмоннинг бисёрдир қопқони.

\* \* \*

Эгри дараҳт тўсинликка ярамас  
Яхши сўз кутмангиз асло ёмондан.  
Элин сўймаганини, эл ҳам сийламас,  
Нишонсиз ўқ узилмагай камондан.

\* \* \*

Асоссиз, ноўрин рашк қилмагил асло,  
Тортмасин сени рашк ўти ўз домига.  
Ўзинг пок бўлгилу, ишонгил аввало  
Сенга ҳам ишонгани ўз вафодорингга.



\* \* \*

Ҳар кимнинг нияти мудом ўзига ёрдири,  
Бу дунё кимларга кенгу, кимларга тордир.  
Азизлар, яхши ниятнинг бўлинг соҳиби,  
Улуғлар дерлар: «Яхши ният ярим молдир».

\* \* \*

Эй воҳ, умринг ташвишлар билан ўтдию-кетди,  
Қайтаролмайсан унинг бир сониясин ҳам.  
Яратганга сарҳисоб қилиш вақти ҳам етди,  
Тавба-тазарру қил Ўзига, кечикмай, илдам.

\* \* \*

Юракни аёвсиз кемиур гумон  
Темирни смиргандай занг мисоли.  
Бу ҳолдан кутулиш эмасдир осон,  
Ёру-дўстлар бўлмаса гар вафоли.

\* \* \*

Савобнинг бўлмайди кичик-каттаси.  
Бир аниқ жойи-ю, бугун-эртаси.  
Савоб иш қилингиз ҳар ерда, ҳар он,  
Тополсангиз агар заррача имкон.

\* \* \*

Уммоннинг тубидан ҳаргиз олинур дўр,  
Ҳур қизларга бўлсин дебон зебу-зийнат.  
Аммо, аёлларнинг ҳаё-ибоси турур  
Дунёнинг барча дуру-гавҳаридан қиммат.

\* \* \*

Чин дўстинг билдиrmас бору-йўгингни,  
Душман эса кўзлар заиф жойингни.  
Ким дўст, ким душман ажрата билгил  
Кирқмасдан душманинг алдаб пойингни.

\* \* \*

Бўлсин десанг фарзандинг мўмин, қобил, меҳрибон.  
Кўрсат анга шу хислатларни ўзингда ҳар он.  
Йўқса изтиробу-азобда, чекиб минг армон,  
Юарсан фарзандим ноқобил ўсдиму дебон.

\* \* \*

Меҳрсиз ва ноқобил ўсган фарзанд, аввало,  
Кўрмаган оиласда меҳру-оқибатни.  
Қариндошлар, оила аъзолари аро  
Бир-бирига иззату, ҳурмат-муҳаббатни.

\* \* \*

Косибми, сартарошми ёки чилангар,  
Ўз касбларин устаси, пири бўлсалар.  
Чиқарсалар ҳожатин халқининг агар,  
Эл ардоғида бўлишлари муқаррар.

\* \* \*

Йиғмоқ истасанг агар ҳаргиз бойликни,  
Ўз меҳнатингдин сен тўплагил симу-зар.  
Муқаддас билиб ҳалоллигу-покликни  
Ўзгалар ҳақидан ҳамиша қил ҳазар.

\* \* \*

Мардлигу-номардлик, яхшилигу ҳамда ёмонлик  
Мудом мисли эгизаклардек юрурлар ёима-ён.  
Ким қандай хусусиятга эга, уни билмақлик  
Мушкул жумбоқдир, синамай айтиш, эмасдир осон.

\* \* \*

Истасанг саломат бўлишин иймонинг,  
Сажда қил ота-онангга умринг қадар.  
Ол уларнинг дуосин, билгил у сенинг  
Бебаҳо бойлигингдур, тиллою-гавҳар.

\* \* \*

Ҳар баҳорда тошиб оққан дарёдан  
Қолур сувсизликдан қақраган ўзан.  
Ёшлиги ўтиб, кузи келган умрдан  
Қомат қоладур, асога суюнган.

\* \* \*

Ота-она ўгити эрур бебаҳо  
Қобил фарзандлар учун бир умр бегумон.  
Адашмагай тўғри йўлдан улар асло,  
Бу насиҳатга амал қилсалар ҳар он.

\* \* \*

Рашқ ўти ўхшар экан асов тўфонга.  
Чексиз экан унинг кучию-қудрати.  
Суриштирмай гуноҳинг бору-йўқлигин  
Куйдирап экан сени ҳаттоқи тафти.

\* \* \*

Яхши хулқу-одоб эгаси бўлгин,  
Дўсту душманлар ҳам бўлсинилар қойил.  
Ҳар кўчага агар бошласа кўнгил.  
Бўлаверма анга ҳар сафар мойил.

\* \* \*

Гулгун ёнган бир гўзалнинг яноғи.  
Асир этган эди ёшлиқда мени.  
Вақтлар ўтиб, босиб йиллар сатмоғи.  
Сочмиш яноғи узра минг ажинни.

\* \* \*

Ҳеч кимга ўтказма ўз фикринг зўрлаб  
Хурсанд бўлма айтганим энди бўлар деб.  
Эришганинг ўзгалар камситиб, хўрлаб.  
Эски иморатдири турад нурай деб.

\* \* \*

Хазон айлаб умринг ичмагил шароб,  
Бевафо ёрни ҳеч қуммагил суюб.  
Вафосиз ёр мисоли май қадаҳи,  
Ўтар у қўлдан-қўл «суюкли» бўлиб.

\* \* \*

Бўлган кунимиз биз келин ва кўёв  
Бахтимиз тожини қийгандик бирга.  
Мана соч-соқолга кўнганида қиров  
Баҳо берурмиз энди ўтган умрга.

\* \* \*

Гулдан-гулга құнибон асалари  
Типим билмай түплар шириң болини.  
Құли қадоқ кекса боғбон сингари  
Безар элининг түқин дастурхонити.

\* \* \*

Севги-вафодан сүзламанг асло  
Гар севиб, севилмаган бўлсангиз.  
Севмасдан киши кўргайму вафо  
Ўтса агар ҳаёт муҳаббатсиз?

\* \* \*

Қадрига етгил туғилиб ўсган юртингнинг,  
Айрилмагин ҳеч ҳам ўз қадрдан ҳалқингдан.  
Ҳимоя қилгил ўтаб фарзандлик бурчингни.  
Ўз ҳалқингу-ватанингни гар севсанг чиндан.

\* \* \*

Эй фалак, ўзинг қилгин мени огоҳ,  
Садоқатсиз дўсту бевафо ёрдан,  
Тақдир ҳатто бирин қилса менга ҳамроҳ,  
Рози бўлурмен кечишга шириң жондан.

\* \* \*

Лаганбардордан дўст чиқмагай асло,  
Давлатингу амалинг шайдосидир у,  
Гар кетса сендан иккиси ҳам мабодо,  
Танимас сени келса ҳамки рўбарў.

\* \* \*

Пул билан ўлчама ҳеч қилган саховатингни.  
Мақтамагин сен асло берган ёрдаминг санаб.  
Озор берма бировга, ўйлаб гапир сўзингни.  
Хурмат қил ўзгаларни, бўлмагин иззатталаб.

\* \* \*

Бўлсин десанг ҳамиша иқбол сенга ёр.  
Истасанг ошишин обрў-иззатинг яна минг бор.  
Ҳалол бўл, меҳнат қилгил тер тўкиб бисёр.  
Билки, ҳалоллигу, меҳнатда ажиб бир ҳикмат бор.

\* \* \*

Қалбакилик фазилат эмас инсонга асло.  
Соф виждон эгаси бўлмас анга ҳеч мубтало.  
Ўйнагил, гапир, кулгил сен фақат чин дилингдан.  
Самимият барқ урсин ҳар бир айтган сўзингдан.

-  
\* \* \*

Фироқингда хастамен, хастадир дилим.  
Иzlай анинг давосин энди мен қайдан?  
Фақат, фақат ёр висолин истаб кўнглим  
Шифосин топгайсан дер ёр бўсасидан.

\* \* \*

Ошсин десанг обрўйинг, шуҳратинг-шонинг,  
Истасанг тўкин бўлишин дастурхонинг.  
Устозларнинг ўғитига қилиб амал.  
Ўргангил сен севган касбинг мукаммал.

\* \* \*

Хунарли киши хор бўлмагай асло,  
Ўзга юртларга қилса ҳам у сафар.  
Чунки ҳар элга керакдир доимо  
Косибу, сартарош ҳамда чилангар.

\* \* \*

Кимнинг тиши-ю, кимнинг панжа-тироғи  
Бўлса гар ов вақтида унинг қуроли,  
Аммо ҳушёrlигу, сабр бўлса яроғи  
Овининг ҳамиша келгайдир барори.

\* \* \*

Инсон орзу-ҳавасларин чегараси йўқ,  
Уфқ каби олислар тўхтамай у бир нафас.  
«Бугун мақсадга етдим, энди армоним йўқ» —  
Десант, кўнгилда уйғонур янги бир ҳавас.

\* \* \*

Эй азиз фарзанд, ота-онангни бир умр  
Улуғла, қадрига ет, қилгил хизматин.  
Қайтар дунё бу, фарзандларинг ўзингга  
Қайтарурлар албатта, сендан кўрганин.

\* \* \*

Илм нури-ла топгин йўлингни,  
Илму-фандин бўлгин баҳраманд.  
Зиёлилари кўп халқнинг бўлур  
Ҳар соҳада равнақи баланд.

\* \* \*

Эр йигитга дўстлик ҳаводай зарур,  
Чин дўстинг садоқати бебаҳо эрур.  
Меҳр-садоқатда сен ҳам бўлгил ягона.  
Бўлмасидин дўсту-ёр сендин бегона.

\* \* \*

Қошу-кўзларинг ўзи бир дунё,  
Тотлидир ғунча лабларинг боли.  
Яратилгандирсан бўлиб гўё,  
Бор гўзалликнинг танҳо тимсоли.

\* \* \*

Сени ҳар доим кўргим келади,  
Кетмасам дейман ёнингдан йироқ.  
Севишган қалблар ўзи билади,  
Қашалик оғир жағодир фироқ.

\* \* \*

Сени мен учун яратган Худо,  
Бермам ҳеч қачон сени бирорвга.  
Рашким келур, маликам, билсанг, ҳатто  
Қошу-кипригингга қўнган қировга.

\* \* \*

Нолимайман мен тақдиримдан ҳеч,  
Сен бор экансан, толеим баланд.  
Соф муҳаббатинг нур таратиб эрта-кеч  
Севги-садоқат йўлимиз ёритсин ҳарчанд.

\* \* \*

Унутмагин бу кунларни, эй маликам,  
Ёдингда қолсинг аларнинг ҳар дақиқаси.  
Үтиб ойу-йиллар қариган чогимизда ҳам.  
Эслаб, дейлик: кетсанг арзир у кунлар садағаси.

\* \* \*

Учмагин сен ҳеч беҳуда мақтоворларга.  
Камтарин бўл, берилмагил кибру-ҳавога.  
Мехнатдан қочма ҳеч, қўшилма ялқовларга  
Чалинма мапманликдек дарди бедавога.

\* \* \*

Темир қанча бўлмасин қаттиқ-мустаҳкам,  
Занг анинг умрига мудом битган заводдир.  
Севсангу, севилган бўлсанг агар чинакам.  
Бевафолик қилма, у ҳам бир занг мисолдир.

\* \* \*

Покиза тут ҳар дам ишқу-муҳаббатингни,  
Дарз кетказма вафо қўргони деворига.  
Ўйлаб иш қил, тийгин мудом ҳирсу-нафсингни  
Софдил, ҳақгўй бўл, кирма ишрат бозорига.

\* \* \*

Севганингга сен магар қилсанг хиёнат,  
Жавоб бергайсан ору-виждонинг билан.  
Ватанингга гар сен қилсанг хиёнат,  
Билгил, қилмишинг юварсан қонинг билан.

\* \* \*

Мұхаббатни таърифлаб қайта-қайта,  
Битилган ғазаллар-шеврлар беҳисоб.  
Аларнинг баёни турличадир албатта,  
Чунки ҳар кимса севгига ўзича «бетоб».

\* \* \*

Ёлғон сүзласанг бирорларга,  
Билиб-бilmай ҳаттоки бир бор,  
Ишонмас энди ҳеч ким сенга,  
Ҳақиқатни қылсанг ҳам изҳор.

\* \* \*

Үйламай босилған ягона қадам  
Үзгартирур инсон тақдирин бутқул.  
Ноўрин айтилған бир оғиз сўз ҳам  
Етадур обрўйинг қилишга бир пул.

\* \* \*

Бахт нима ўзи, уни ким билади?  
Ким? Қачон? Нимадан топади бахтин?  
Буни фақат Яратганинг ўзи билади,  
Унинг измида ҳал этиш инсон тақдирин.

\* \* \*

Севги-муҳаббатига доимо  
Садоқатли бўлғанлар беҳисоб.  
Ишқни ҳавас деб билғанлар аммо,  
Хижронга асло беролмагай тоб.

\* \* \*

Севсангу, севилмасанг сен агар.  
Бахтлиман дея олмайсан ўзингни.  
Севилсангу, севмасанг агар,  
Ўтар умринг кутиб муҳаббатингни.

\* \* \*

Ялқонга сўзламанг ишдан,  
Бегамга ҳёт, турмушдан.  
Бевафога севги-муҳаббат  
Аҳдига вафо қилишдан.

\* \* \*

Кўп гапирма давраларда, сукут олтиндир,  
Канда қилма катталарга ҳеч саломингни.  
Суҳбатдошин тинглай билиш ҳам бир санъатдир,  
Бу санъатни эгаллагин сақлаб обрўйингни.

## МУНДАРИЖА

Шеър ишқи (сўз боши) .....	3
Юлдузсан порлоқ .....	5
Яшайвер-яшнайвер, ҳур Ўзбекистон .....	6
Сенсан, азиз Ватаним .....	7
Ўзбекистон саховатпешаларнинг ватани .....	8
Меҳрибон ҳалқим .....	9
Муқаддасдир ҳатто тупроғинг .....	10
Яшай десанг шоҳона .....	11
Онажонимни эслаб .....	12
Ўзбек йигити .....	14
Фозил инсон бўл .....	16
Она қишлоғим .....	18
Менинг боғим .....	19
Анҳор бўйи .....	20
На керак .....	21
Нечун тақдир учратди бизни .....	22
Кел ёнимга .....	23
Ошиқлар орасинда .....	24
Сен келмасанг .....	26
Сенсиз татимас бу дунё роҳати .....	27
Илтижо .....	28
Учратдим сени .....	29
Фироқ ўтида кўйдирма мени .....	30
Ўзинг ягона .....	31
Синовдир фироқ .....	32
Ой мўралар уялиб .....	34
Ишқ ўтида .....	35
Атлас кўйлакли қиз .....	36

Неларни дер оху кўзларинг .....	37
Шаббода .....	38
Гулшана .....	39
Унутма ваъдангни .....	40
Сен бирла .....	42
Чин дўст шундай бўлади .....	44
Чин дўстинг бўлса — баҳтлисан минг бор .....	46
Дўст-ла шодлик бутун .....	47
Тўртликлар .....	48

*Абдий-бадий нашр*

**Абдулла Шоносиров**

## **ОЙ МҮРАЛАР УЯЛИБ**

**Шеърлар**

Муҳаррир М. АҲМЕДОВ  
Мусаввир Ю. ГАБЗАЛИЛОВ  
Техник муҳаррир У. КИМ  
Мусаҳҳиҳ Ш. СОБИРОВА

Босмахонага берилди 20.01.99. Босишга рухсат этилди 11.03.99.  
Ўлчами 70×90'/32. Шартли б. табоби 2,34. Нашр табоби 2,0.  
Жами нусха 2000. Буюртма № 8084. Шартнома № 3-99.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Ёзувчи» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг  
ижарадаги Тошкент матбаа комбинати. 700129. Тошкент,  
Навоий кўчаси, 30.

Ўз2  
Ш 78

**Шоносиров А.**

Ой мўралар уялиб: Шеърлар.— Т.: «Ёзувчи»,  
1999.— 64 б.

Ўз2